

Инсон ва Қонун

2022 йил 26 июль
сешанба
№ 28 (1336)

hudud24

Endi 24 soat siz bilan

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

fb.com/hudud24official/

t.me/hudud24official/

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz

РЕФЕРЕНДУМ

НИМА?

РЕФЕРЕНДУМНИНГ жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирилганда, аввало, референдумнинг ўзи нима ва нима учун керак, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

2-бетда ўқинг

ЎҚИТУВЧИНИНГ

62 миллион

СЎМ УСТАМА ПУЛИ
УНДИРИЛДИ

3-бетда ўқинг

САНЪАТКОРЛАР
ДАРОМАД СОЛИҒИ
ТЎЛАШДАН ОЗОД
ЭТИЛДИМИ?

4-бетда ўқинг

Дахлдорлик
ҲИССИ

ВАТАН – барчамиз-
га бешик бўлган
муқаддас макон.
Унга бўлган садоқат-
тимиз эътиқодимиз
ҳамда виждонимиз
билан ўлчанади.

5-бетда ўқинг



6 ОЙЛИК ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

АДЛИЯ вазирлигида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда вазирлик марказий аппарати-нинг таркибий бўлинма раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари раҳбарлари, адлия муассасалари раҳбарлари, туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

Адлия органлари тизимида илк мартаба ҳуқуқий тажриба алмашиш мақсадида Навоий вилоятида бўлиб турган 12 та ҳудудий адлия органлари бошлиқлари таркибидан иборат адлия делегациясининг бир жойдан иштироки таъминланди.

Ҳайъат мажлисида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим йўл қўйилган хато ва камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Хусусан, фаолиятни яхшилаш мақсадида қўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан, айрим йўналишларда тизимли равишда хато ва камчиликларга йўл қўйиш ҳолатларига ҳамон чек қўйилмагани, айрим масъул ходимлар билдирилган эътирозлардан тўғри ва тегишли хулоса чиқармаётганлиги танқидга олинди.

Шундан сўнг, ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиқларининг ҳисоботи тингланди.

Йиғилиш якунида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, бунда ҳар бир тизим раҳбарлари ва масъул ходимларнинг фаоллигини ошириш, масъулиятни кучайтириш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек:

адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари ўз бўйсунувдаги ходимлар иш фаолияти бўйича шахсан масъул ҳисобланиши, бўйсунувдаги ходимлар томонидан тизимли қонунбузилишлар ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилганлиги учун раҳбарларнинг жавобгарлиги қўриб чиқиши белгиланди;

масофавий хизмат кўрсатиш жараёнини ривожлантириш ва аҳолига янада қулай имкониятларни яратиш мақсадида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига ахборот технологияларни кенг жорий қилиш, хусусан, давлат хизматлари марказлари ва нотариусларга ташриф буюрувчи фуқаролар ўртасида "Mobile ID" тизимини

кенг тарғиб қилиш ҳамда имкон қадар кўпроқ фуқароларни мазкур тизим орқали рўйхатга олиш устувор вазифа сифатида ўрнатилди;

давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) ва куйи тизимидаги бўлинмаларида қонунийлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида "E-huquqshunos" тизимида қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилинганлиги ёки ҳақиқий эмас деб топилганларни сабаблари ва асослари кўрсатилган ҳолда (lex.uz тизими каби) алоҳида белгилаш ва барча учун кўриш тартибини жорий қилиш топшириғи берилди;

Республика суд экспертиза маркази баҳолаш фаолиятига оид мавжуд услубийларни танқидий таҳлил қилиб, уларни бугунги кунда юзага келаётган мураккаб низоларни ҳал қилинишига кўмаклашиш имкониятларини янада ошириш бўйича такомиллаштириш чорасини кўриш топширилиб, муҳокама этилган барча масалалар бўйича Ҳайъатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Адлия органлари томонидан келгусидаги фаолият давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Адлия вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

РЕФЕРЕНДУМНИНГ жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирилганда, аввало, референдумнинг ўзи нима ва нима учун керак деган ҳақли савол туғилиши табиий.



РЕФЕРЕНДУМ НИМА?

Референдум (лот. referendum – билдирилиши керак бўлган, хабар берилиши, маълум қилиниши зарур бўлган нарса) – умумхалқ овоз бериш йўли билан қонунлар қабул қилиш ва давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилиш шаклидир. Референдум бевосита демократиянинг муҳим воситаси ҳамдир. Унинг сайловлардан асосий фарқи шундаки, референдум ўтказилаётганда бирон-бир лавозимга номзод ёки номзодлар рўйхати учун овоз берилмайди. Балки, унда муайян масала – қонун, унда лойиҳаси, конституция, конституцияга тузатишлар, мамлакатнинг халқаро мақомига тааллуқли ёки ички сиёсатига оид бирон-бир савол қўйилади.

Сайлов натижалари мажоритар тизим бўйича ҳам, пропорционал тизим бўйича ҳам аниқланиши мумкин бўлса, референдум натижалари фақат мажоритаризм (мутлақ кўпчилик овозини ҳисоблаш) тамойиллари асосидагина аниқланади.

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонун дастлаб 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган. Қонун 2001 йил 30 августда янги тахрирда қабул қилинди. Мазкур қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Худудий яхлитлиқни ўзгартириш референдум предмети бўлиши мумкин эмас

Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Референдумни ўтказиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган (18 ёшга тўлган) Ўзбекистон фуқаролари умумий сонининг камида 5 фоизини ташкил этган фуқаролар имзоси тўплаган бўлса, Олий Мажлис палаталари аъзоларининг учдан икки қисмининг овози, Президентнинг асосланган талаби билан референдум ўтказилиши

мумкин. Бунда имзо чеккан фуқаролар миқдори ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилма бўйича бир текис ва мутаносиб равишда тақсимланади.

Қуйидаги масалалар референдум предмети бўлиши мумкин эмас:

- Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ўзгартириш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва солиқлар;
- амнистия ва афв этиш;
- жамоат тартибини, аҳоли соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиغان мажбуриятларни бажариш;
- мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш.

Ўзбекистонда биринчи марта референдум қачон ўтказилган?

Референдум яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта 1991 йил 29 декабрда референдум ўтказилган. Бу референдумда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августдаги Конституциявий қонуни тўғри қабул қилинганлигини Ўзбекистон халқи бир овоздан маъқуллаган. 2002 йил 27 январда Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартиришга бағишланган референдум ўтказилган.

Референдумнинг ҳуқуқий асоси қандай?

Ҳуқуқий жиҳатдан референдум қонунчилиқнинг нафақат вакиллик органига, балки бевосита халққа тегишли эканлигини билдиради. Референдумлар мавжуд бўлганда, қонунчилик парламентнинг мутлақ ваколати сифатида қаралиши мумкин эмас. Шу нуктага назардан, қонун ижодкорлиги фаолияти нафақат парламент томонидан, балки бевосита халқнинг ўзи томонидан референдум орқали амалга оширилади, деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Референдум институтининг ривожланиши нафақат катта назарий аҳамиятга эга, балки ҳақиқатда демократия имкониятларини кенгайтиради.

Шунингдек, давлат ҳокимиятини мустақамлайди, унинг самардорлигини оширишга хизмат қилади. Бу замонавий давлатчиликнинг шаклланиши ва янгида ривожланиши учун низоҳатда муҳим. Конституциявий таъсисчиликка кўра, референдум институтини сайловлар билан бир қаторда фундаментал демократик ютуқ сифатида халқ ҳокимиятини ифодалашнинг энг олий шакли ҳисобланади.

Референдум ва демократия

Референдумнинг замонавий демократия институтлари тизимидаги ҳал қилувчи роли ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, референдум орқали халқ бевосита олий қонун чиқарувчи сифатида иш олиб боради. Барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун умумий мажбурий бўлган энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади. Халқ қонун ижодкорлиги тўғридан-тўғри халқ суверенитети тамойилидан келиб чиқади.

Иккинчидан, референдумлар халқнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга хизмат қилади. Қонунлар нафақат иқтисодий тараққиётнинг долзарб эҳтиёжларини акс эттириши, балки фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий қарашлари ва эътиқодларига ҳам мос келиши керак. Оммавий овоз бериш йўли билан қабул қилинган қонунлар жамиятнинг сиёсий етуқлиги ва маданияти даражасини тўлиқроқ акс эттиради.

Учинчидан, референдумлар жамоатчилик фикрини ифода этиш ва ривожлантиришнинг муҳим шаклларида бирдир. Муайян қонун лойиҳаси атрофида шаклланган ижобий жамоатчилик фикри норматив-ҳуқуқий ҳужжатга юксак обрў-эътибор беради. Унинг фуқаролар томонидан ихтиёрий ва виждонан бажарилиши учун маънавий рағбат ва кафолатлар яратлади.

Тўртинчидан, референдумлар халқнинг ижтимоий вазифаси – юқори ва маҳаллий вакиллик органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, депутатларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади. Референдумлар қонун лойиҳаларига императив жамоатчилик баҳосини берганлиги сабабли, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини қонун ижодкорлиги ва норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга

мажбур қилади.

Бешинчидан, референдум институтини одамларнинг давлат ва жамият ишларига қизиқишини оширишга, фуқароларнинг давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига таъсирини кучайтиришга хизмат қилади. Чунки бу масалалар, биринчи навбатда, халқ овози бўлади.

Қонунчилик фаолияти соҳасида вакиллик органлари муҳим ҳуқуқларни сақлаб қолади. Хусусан, референдум ўтказиш тўғрисидаги қарор, референдумга киритилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, умумхалқ овоз бериш йўли билан қабул қилинган қонунларни эълон қилиш, қонунлар ижросини назорат қилиш ва бошқа бир қатор ваколатлар тўлиқ парламентга тегишли. Энг муҳими, референдум вакиллик органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятини истисно этмайди.

Референдумга аниқ баҳо бериш жуда қийин. Бу институтнинг демократик ёки реакция бўлиши кўп жиҳатдан референдум ўтказилаётган реал сиёсий шароитга боғлиқ.

Қонунга ўзгартириш киритилди, нималар ўзгарди?

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2022 йил 16 июнда 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритиш тасдиқланди. Ҳужжат Қонунчилик палатасида 11 июнь куни қабул қилиниб, 13 июнь куни Сенат томонидан маъқулланган эди.

Ушбу киритилган ўзгартиришларга кўра, мазкур қонунга сайлов комиссиялари ваколатларини ўзгартириш, кузатувчилар ҳуқуқларини кенгайтириш ва бошқаларни назарда тутувчи қўшимчалар киритилди. Шунингдек, референдумда қабул қилинган қарорларни фақат референдумда бекор қилиш талабига истисно киритилди.

Хусусан, қонуннинг 1-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан, эндиликда референдумда қабул қилинган қарорлар, агар референдумда қабул қилинган қарорларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса (бундан олдин фақат референдум йўли билан эди), бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 8-моддасига киритилган ўзгартиришлар эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда сиёсий партиялар, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар билан бир қаторда қатнашиш ҳуқуқини берди.

Манфаатдор ташкилотлар, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида округ комиссияларига референдум ўтказилишига кечи билан 10 кун қолганида (аввал 15 кун эди) маълум қиладилар.

Қонуннинг 9-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, эндиликда кузатувчиларга,

жумладан, яширин овоз бериш жойналарини ёки ҳоналарининг жойлаштирилишини, шунингдек, фуқароларнинг рўйхатга олиншини қўзатиш имкони берилмади.

Шунингдек, мазкур модда кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳақида референдум ўтказувчи участка комиссиясини камида уч кун олдин хабардор қилиши кераклигини ифода этувчи қўшимча банд билан тўлдирилди.

Қонуннинг 18-моддаси (Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари) аввал МСКнинг референдум ўтказувчи комиссияларининг қарорлари ва ҳарақатлари устидан ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиниши ҳам кўзда тутар эди. Энди эса комиссия овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳарақатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно.

МСКнинг ушбу қонун билан тартибга солинмаган бошқа ваколатлари сайлов тўғрисидаги бошқа қонунлар билан тартибга солинади.


Референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан 10 кундан кечикмай камида 8–18 нафар (аввал 9 нафар эди) комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади. Референдум ўтказувчи округ комиссиясининг раиси, раис ўринбосари ва котиби комиссия мажлисида унинг аъзолари орасидан сайланади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари аъзоллигига номзодлар халқ депутатлари кенгашлари мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин етти кундан кечикмай МСК томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Қонуннинг 23-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпини бир ташкилотда ишлайдиган шахслар ташкил этадиган бўлса, улар ушбу комиссия таркибига тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналари ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган референдум ўтказувчи участка комиссиялари мустасно.

Зафар ФАРМАНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими



БУХОРО


Шунга қарамасдан ғуруч қурмак-сиз бўлмаганидек, баъзан қонунларни билмасдан, гоҳида эса унга риоя қилмасдан тўғрилиқни, ҳалолликни унутиш, бошқалар манфаатига путур етказиш ҳолатлари ҳам содир бўлмоқда.

Қонунларимизда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ва муҳофазага олинган товар ва хизмат кўрсатиш белгиларидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз фойдаланса, жавобгарлик мавжудлигини Ёшдуров туманида фаолият олиб бораётган "F.M" хусусий корхонаси раҳбари М.Т. наҳотки билмаган бўлса?

Акс ҳолда фуқаро Т.Ж.га тегишли бўлган ва давлат муҳофазасига олинган "М-А" хизмат кўрсатиш белгисидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз фойдаланиб, қонун талабларини бузмас, унинг манфаатига путур етказмас эди.

Амалда бўлган қонун ҳужжатлари бундай ҳолатни таъкиқлайди ва таъкиб қилади. "Кўза кунда эмас, кунда синади" деганларидек, "F.M" раҳбари бировнинг молидан унинг

■ БУХОРО вилоят адлия бошқармаси томонидан аҳоли ўртасида ўтказилаётган суҳбатлар, учрашув ва ҳуқуқий-маърифий тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга, уларни қонунлардан хабардор қилишга қаратилган.



"КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ"


руҳсатисиз фойдаланиши, ўзанинг ошига сўрамасдан шерик бўлиши кўриниб қолди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаро Т.Ж. нинг аризасига асосан ўтказилган ўрганиш давомида "F.M" хусусий корхонаси раҳбари М.Т.га нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 177-моддаси биринчи қисмига асосан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида баённома расмий-

лаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича Ёшдуров туман судига тақдим этилди.

Суднинг тегишли қарори билан "F.M" хусусий корхонаси раҳбарига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари яъни 1 миллион 350 минг сўм миқдориде жарима жазоси тайинланди.

Анвар РАҲМАТОВ,
Бухоро вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи



НАВОЙ

■ ОЛИС ҳудудларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган педагог ходимлар қўшимча устама пули олиш ҳуқуқига эга. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш тўғрисида"ги қарори билан мустаҳкамлаб қўйилган.

УСТАМА ТЎЛАШ НЕГА ПАЙСАЛГА СОЛИНМОҚДА?


Аммо бундай устамаларнинг тўланиши гоҳида пайсалга солинмоқда. Томди туманида ҳам ана шундай ҳолат кузатилган. Худуддаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг мурожаатидан сўнг, туман адлия бўлими томонидан қарор талабларига риоя этилиши таҳлил қилинди.

Аниқланишича, олис Томди туманида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчилар кўпчилигини ташкил этади. Албатта, улар Вазирлар Маҳкамаси қарорининг амалда қўлланилишидан умидвор. Аммо ўрганишлар давомида мактаб ўқитувчиларига умуман устама маблағлари тўланмаганлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолат туман халқ таълими бўлимининг 2022 йил 31 майдаги қарорлиқни тан олиш маълумотномаси ва қардорлик ҳисоб-китоб ҳаждвалари билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Шу асосга кўра, туман адлия бўлими томонидан туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилиб, ўқитувчиларга устама пуллари тўлаб берилди.

Қодир БЕКНАЗАРОВ,
Томди туман адлия бўлими бошлиғи



СИРДАРЁ

■ САРДОБА туманидаги "Пахтакор" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро М. Ўсарова бундан ўттиз бир йил муқаддам фарзандидан айрилган. Аммо эътиборсизлик сабабли фарзанднинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилмаган. Орадан шунча йиллар ўтиб, ана шу эътиборсизлиги оқибатида нафақа олишда муаммага дуч келгач, вафот этган ўғлининг ўлганлик фактини белгилашда амалий ёрдам сўраб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК


САРСОНГАРЧИЛИККА САБАБ БЎЛДИ

Аниқланишича, М. ва Ҳ. Ўсаровларнинг 1987 йил 25 сентябрда туғилган Ойбек исмли ўғли ҳақиқатан ҳам 1991 йил 30 июнда вафот этган. Бироқ, ўлим факти расмийлаштирилмаган. Ўрганиш давомида Давлат хизматлари агентлигининг архив маълумотлар базасида ҳам О. Ўсаровнинг ўлими ҳақида далолатнома ёзувлари мавжуд эмаслиги аниқланди.

Туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан О. Ўсаров дафн этилган жой тўғрисида тақдим этилган маълумотномага асосан ва мурожаат эгасининг қўшнилари гувоҳлигида ушбу оиланинг фарзанди вафот этганилиги тасдиқланди.

Юқоридагиларга кўра, туман адлия бўлими томонидан О. Ўсаровнинг ўлим фактини белгилаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан марҳумнинг 1991 йил 30 июнда вафот этганлиги факти белгиланди.

Илҳом ЮНУСОВ,
Сардоба туман адлия бўлими бошлиғи



СИРДАРЁ

■ ФУҚАРО Д. Саломатова 2010 йилдан буён Сайхунбод туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 2-умумий ўрта таълим мактабиде тожик тили ва адабиёти фанидан дарс беради. У 2006 йилда тожик тили фани бўйича ўтказилган Республика олимпиадасида ғолиб бўлган. Бунга тасдиқловчи гувоҳномага эга бўлишига қарамасдан, Д. Саломатовага лавозим маошига ҳар ой тўланиши лозим бўлган 100 фоизлик устама ҳақи тўлаб берилмаган.

ЎҚИТУВЧИНИНГ
62 миллион
СЎМ УСТАМА ПУЛИ
УНДИРИЛДИ

Ўқитувчининг туман адлия бўлимига қилган мурожаати ўрганилганда, у ҳақиқатан ҳам 2006 йилда, ҳали ўқувчилик даврида тожик тили фани бўйича ўтказилган Республика олимпиадасида иштирок этиб, ғолиблиқни қўлга киритганлиги, унга Халқ таълими вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикаси ўқувчиларининг Республика олимпиадаси ғолиби тўғрисида"ги гувоҳнома берилганлиги ўз тасдиғини топди.

Президентимизнинг "Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида таълим муассасаларида ўқитувчилик қилаётган асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоизлик устама ҳақи тўланиши лозимлиги кўрсатилган.

Туман адлия бўлими томонидан Д. Саломатованинг манфаатига фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд буйруғига асосан туман халқ таълими бўлими ҳисобидан Д. Саломатова фойдасига 62 миллион 393 минг 646 сўм миқдоридеги устама пули ундирилиши белгиланди.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
Сайхунбод туман адлия бўлими
бошлиғи



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

■ "РЎЙХАТДАН ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомобилотранспорт воситалари, уларнинг тиркамаларини рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда, шунингдек, имтиҳонларни олишда ундирилмаган" тўлов ставкаларидаги ноаниқликларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан мониторинг ўтказилди.

Ортиқча ундирилган тўлов ОРТГА ҚАЙТАРИЛДИ



Мониторинг давомида Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими томонидан фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони ўрнига янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини беришда базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдориде тўлов ундирилиб, қонунбузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Тўлов ставкаларининг 17-бандида чет давлат фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва дипломатик хизмат ходимларига ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдориде тўловлар ундирилиши белгиланган.

Бироқ, тўлов ставкаларининг 5-бўлими изоҳ қисмида яроқсиз ҳолга келган, шикастланган ёки ўғирланган ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига дубликати, шу жумладан, эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони ўрнига янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи миқдориде;

■ йўқотилган эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони ўрнига янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдориде;

■ йўқотилган янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига дубликат бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдориде тўлов ундирилади, деб қўрсатилган.

Шунга қарамасдан, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг тегишли бўлими томонидан бу нормага амал қилинмаган. Хусусан, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими томонидан фуқаролиги бўлмаган шахс Д. Жуманиязовнинг эскирган "ВС" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони ўрнига янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси берилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдориде тўлов ундирилган. Худди шундай ҳолат фуқаролиги бўлмаган шахслар – М. Хабибуллаев, Э. Сатибалдиев ва М. Абдиррахмановларга янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини беришда, О. Саидов ва Д. Пирнепесовларнинг йўқотилган эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони ўрнига янғиси берилганда ҳам такрорланган.

Юқоридагиларга асосан Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига қонунбузилишини бартараф этиш ва ортиқча ундирилган тўловни қайтариш чораларини кўриш ҳақида тақдимнома киритилиб, ижроси таъминланди.

Есенкелди УТЕПОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия
вазирлиги масъул ходими

■ КОНЦЕРТ – томоша фоолиятини лицензия асосида амалга оширувчи ижрочиларнинг рейтинг гуруҳлари ўзи нима?

Санъаткорлар даромад солиғи тўлашдан озод этилди?

Рейтинг гуруҳлари ижрочиларнинг аҳолига қандай концерт-томоша хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи мавжудлигини белгилаб беради.

Санъаткорлар учун I, II ва III рейтинг гуруҳлари мавжуд.

I рейтинг гуруҳи ижрочилари республика ҳудудида ва унинг ташқарисида якка-хон концерт ташкил этиш ва II ва III рейтинг гуруҳлари ижрочилари учун назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятларига эга.

I рейтинг гуруҳи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида давлат божи белгиланган. (2022 йил 1 сентябрдан амалга киритилмоқда).

II рейтинг гуруҳи ижрочилари битта жанрнинг икки ва undan кўп ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурида қатнашиш, оммавий ахборот воситаларида қўшиқлар ва видеоклипларни тақдим этиш ва III рейтинг гуруҳи ижрочили учун назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятларига эга.

II рейтинг гуруҳи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида давлат божи белгиланган. (2022 йил 1 сентябрдан амалга киритилмоқда).

III рейтинг гуруҳи ижрочиларига тўй, юбилей ҳамда бошқа маросим ва тантаналарда, жумладан тўйхона, ресторан, ҳордиқ чиқариш ташкилотлари (клуб, дискотека, бар ва қаҳвахона) ҳамда хусусий уйларда концерт-томоша хизматларини кўрсатиш, созанда ва раққос(а)лар томонидан битта жанрнинг икки ва undan кўп ижрочилари иштирокидаги концерт-томоша дастурларини ташкил этиш ва уларда қатнашиш имкониятларига эга.

III рейтинг гуруҳи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорида давлат божи белгиланган. (2022 йил 1 сентябрдан амалга киритилмоқда).

Кимлар давлат божи тўламайди?

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, ногиронлиги бўлган ёки таълим муассасаларида ўқийдиган талаба (ўқиш муддати давомида) санъаткорлар давлат божини тўлашдан озод этилади.

Санъаткорлар даромад солиғини қандай тартибда тўлайди?

Санъаткорларга даромад солиғини декларация асосида ёки қатъий белгиланган миқдорда тўлаш ҳуқуқи берилади.

Хонандалар ушбу иккала турда даромад солиғини тўлаши мумкин, 2024 йил 1 январдан бошлаб эса улардан даромад солиғи фақат декларация асосида ундирилади.

Қолган ижрочилар ҳам иккала турда даромад солиғини тўлаши мумкин, 2026 йил 1 январдан бошлаб эса улардан ҳам даромад солиғи фақат декларация асосида ундирилади.

Қатъий белгиланган миқдорда даромад солиғи қандай бўлади?

Қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашни танлаган ижрочилардан даромад солиғи бир йилда бир марта қуйидаги миқдорларда ундирилади:

- I рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 2,7 миллион сўм миқдорида;
- II рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 1,8 миллион сўм миқдорида;
- III рейтинг гуруҳи ижрочиларидан 1,0 миллион сўм миқдорида.

Фармон билан санъаткорлар даромад солиғи тўлашдан озод этилди?

Йўқ. Фақатгина 2024 йил 1 январга қадар III рейтинг гуруҳи ижрочилари қатъий белгиланган миқдордаги солиқ тўлашдан озод этилади.

Саламат ТУРЕМУРАТОВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот
маркази масъул ходими

■ БУГУНГИ кунда хотин-қизларга ҳар жабҳада имкониятлар яратиб келинмоқда. Хусусан, ишга кириш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ва бошқа йўналишларда гендер тенглиги таъминланмоқда. Аёллар учун ҳомиладорлик, туғиш таътили ва бола парвариш қилиш учун таътил қачон, қанча муддатга берилишини биласизми?

Бола парвариши учун таътил кимларга ва қанча муддатга берилади?



Туғиш таътилининг муддати қанча?

Меҳнат кодексининг 233-моддасига мувофиқ аёлларга туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва undan ортқ бола туғилган ҳолларда – 70 календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилни неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.



Таътидан кейин ҳам таътил олса бўладими?

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тулгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тулгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.



Таътил фақат аёлларга бериладими?

Йўқ. Болани парваришlash учун бериладиган таътиллardan боланинг отаси, буvisи, буvasи ёки болани амалда парваришlaётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.



Аёлларга ва oilaviy вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкинми?

Мумкин. Ҳомиладор, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомилида шундай боласи бор аёлнинг ёки oilанинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш бeрyвчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кuni ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Йиллик таътил беришда қандай имтиёзлар мавжуд?

Меҳнат кодексининг 231-моддасига мувофиқ ҳомиладор ва бола туққан аёлларга йиллик таътил уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки undan кейин ёхуд болани парваришlash таътилидан кейин берилади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва undan ортқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллار, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.



Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа олиш учун нима асос бўлади?

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 8 майдаги 1136-сон “Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига мувофиқ ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда берилади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, меҳнат қончилигида аёлларга туғиш ва бола парваришlash учун бериладиган таътиллар муддати ва миқдори аниқ белгилаб қўйилган.

Асал ЖўРАЕВА,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси



Болани парваришlash бўйича таътил даври учун нафақа тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган кунига бўлган тариф ставкаси жойларда белгиланган туман коэффициентини ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда олинади.

Болани парваришlash таътиллари-нинг вақти, агар жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатда ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.



Уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларда иш вақтининг қисқартирилган муддатида ишлаш ҳуқуқи борми?

Ҳа, албатта. Меҳнат кодексининг 228-моддасига асосан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишlaётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати давомида бу тоифа аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кuni тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

**Ёғочнинг бўшини
қурт ейди****“Ёғочнинг бўшини
қурт ейди доим,
Тарихда мисоллар
жуда кўп бунга...”**

Ҳа, бу ўша машҳур ёзувчи Кривонинг машҳур масалидан олинган машҳур сатрлар.

Бугун тарихнинг улугворлиги ҳақида қанча гапирсак шунча оз. Эртақ эмас, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг “Мамлакатда шундай тартиб ўрнатдимки, агар ёш бола бир товоқ олтинни бошига қўйиб, мағрибдан машиққача борса, ҳеч қим унга қўл чўзмас ва олтиндан биттаси ҳам камаймас эди...” деган етти иқлимга машҳур сўзларини эсга олиш қиёфя.

Соҳибқирон салтанатидан кейин орадан ўтган не-не асрлар давомиди нимадан ўзгарди, деган савол ҳаёлимиздан ўтади. Беихтиёр, шундай ривожланган, ҳамма нарса муҳайё бўлган дориломон замонда куппа-кундуз куни кенг кўчада кетаётган одамнинг бўйнидаги тилла занжирига чанг солаётган ёки ишдан ҳорфин қайтаётган онаси тенги аёлнинг сумкасига ташланаётган безори ўсмир кўз ўнгимизда гавдаланиб, ҳушёр тортамыз. Агар олтин солинган саватни бошимизга қўйиб кўчага чиқадиган бўлсак, Худо кўрсатмасин, бошимизни ҳам қўшиб олиб кетадиган. Инсоф ва диёнатнинг, таълим ва тарбиянинг касодга учраётганими бу?! Ёки нафсга қулликми?

**Иморатлар
фирромлик эвазига
бунёд бўлмаслиги
керак!**

Яна соҳибқирон ўғитини эслаймиз. “Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг...” Асрлар силсиласини елкасида кўтариб, Шарқу Фарбни ҳамон ўзига мафтун этиб келаётган тарихий ўлмас обидаларнинг гўзал ва бетакрор номлари қалбимизга оҳанг бўлиб қўйилади. Жаҳонгир бобомиз барпо қилган дунёни лол айлаган боғи қўшларни эслаб, юрагимиз ҳаприқади.

“Ҳозир-чи?” деймиз беихтиёр. Бизда... бизда ҳам осмонўпар бинолар, муаззам иншоотлар қад ростлаётганидан кўнглимиз ёришгандек бўлади. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимиз бугун улкан қурилиш майдонига айлانгани рост. Маҳобатли иншоотлар, минглаб турар жой бинолари қурилаётганлиги юртимиз ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун албатта.

Аммо айнан уй-жой бинолари қурилиши полотносида негадир дилни хира қиладиган туманил манзараларга қўлайиб бормоқда. Масалан, энг кучли компанияларнинг тарғиботларига ишониб, уларнинг “моли” (уй-жойи)га харидор бўласиз. Масалан, машҳур “Golden House” бренди билан реклама қилинаётган турар-жой комплексларига ҳар қандай кишининг ҳаваси келиши аниқ. Бир-бирини тақрорламайдиган чиройли комплекслар – “Mirabad Avenue”, “Greenwich”, “Assalom Havo”, “Assalom

Maxtumquli”, “Династия”, “Infinity”, “Parisien”, “Assalom Sohili”, “Xosiyat”, “Assalom Chirchiq” ва бошқа бир қанча комплексларнинг макетини кўриб, беихтиёр мафтун бўласиз ва Сизда ушбу уйлارнинг эгаси бўлиш орзуси пайдо бўлади. Аммо харидор бўлганингизга минг марта пушаймон қилдирадиган мисоллар ҳам бор. Демак, шартнома имзоланди. Тўловлар ўз муддатида тўланди. Барчаси гўёки рисоладагидек. Аммо қўтилмаган муаммолар пайдо бўлади. Масалан, Миробод туманида қад ростлаётган “Greenwich” Британ кварталли ҳақидаги мана бу фактларга нима дейсиз? Бошқа уй-жойлардан анча қиммат турадиган бу кварталдан олаётган уйингиз учун шартномада белгиланган тўловларни тўлаб бўласиз, аммо “туя гўшти еган” хонадонингиздан дарак йўқ.

Қурилиш комплексига борсангиз, ундан баттар ҳолат. На боши бор ва на охири. “Ит эгасини танимайди” деган мақолни ёдга соладиган манзара. Республикаимизнинг турли ҳудудларидан келиб ишлаётган қурувчилар қурилиш материалларининг йўқлиги сабабли бирор ишни охирига етказма олмадани ҳуноб. Бир ҳафтада қилса бўладиган ишлар ойларга чўзилгани, аниқроғи тўхтаб қолганлиги билан ҳеч қимнинг иши йўқ.

Кўп қаватли турар жой биноси гарчи “Сотувчи” ва “Харидор” ўртасида 2019 йил 20 декабрда имзоланган битимнинг 1.5 бандига асосан 2021 йилнинг учинчи чорагида топширилиши кўзда тутилган бўлса-да, афсуски, турар-жой биноси 2022 йилнинг июль ойида ҳам фойдаланишга топширилмаган. Гарчи, “Сотувчи” ташкилот пандемияни ва қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмаётганлигини баҳона қиладиган бўлса-да, аслида ташкилотнинг масъулиятсизлиги, харидорга ҳурматсизлиги, объектда пардозлаш ишларини амалга ошираётган қурувчиларнинг ойлик маоши вақтида тўлаб берилмаётганлиги оқибатида эканлиги ҳақидаги аниқ аргументлар шундай нуфузли “Golden House” маркасига асло ярашмайди.

Яна бир ўринли эътирозимиз бор: Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили эканлиги ҳақидаги қонун қабул қилинганига 30 йилдан ошди. Шунга қарамадан, шартномалар ҳамон рус тилида тузилаётганлиги ва бу шартномаларда иккала тарафнинг манфаатлари тенг ифода этилиши зарур бўлишига қарамадан, бир ёқлама тизилганлиги, яъни қурилиш ташкилотининг манфаатлари устувор этиб белгиланганлиги кишини таажжублантиради. “Бу ҳайрикунуний шартномалар ҳуқуқий баҳо берадиган идораларнинг экспертизасидан қандай ўтди экан?” деган ҳақли савол тўғрисида табиий.

Пойдевори ёлғон ва одамларнинг норозилиги эвазига

БАТАН – барчамизга бешик бўлган муқаддас макон. Унга бўлган садоқатимиз эътиқодимиз ҳамда виждонимиз билан ўлчанади. Яна бир оддий ҳақиқат бор: Она Ватанга дахлдорлик ҳисси билан яшаётган одам ҳеч қачон ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўймайди, Ватан тупроғининг бир заррасига ҳам хиёнат қилмайди. Эътиқоди мустаҳкам одамнинг дахлдорлик туйғуси ҳам кучли бўлади. Ёғочнинг бўшини эса... ўзингиз биласиз.

Дахлдорлик ҲИССИ



Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили эканлиги ҳақидаги қонун қабул қилинганига 30 йилдан ошди. Шунга қарамадан, шартномалар ҳамон рус тилида...

қад
ростлаёт-
ган қури-
лишларинг
эгасига айланган

“бизнесмен”лар сал ўпкасини босиб олса ёмон бўлмасди. Иллат изламаймиз деймиз, аммо улардан кўзимизни ҳам юма олмаймиз. Дахлдорлик туйғусини иллатга айлантирадиган амалдорлар тоифаси талайгина. Куйидаги ҳолатларни Сиз ҳам яхши биласиз.

**Ободонлаштириш
баҳона, пул
ўзлаштириш
ганимат-ми?**

Шу азиз Ватан барчамизники! Нима қилсак шу Ватан учун, унинг гуллаб-яшнаши учун қиламиз. Аммо Ватан соясига ўз манфаатимизни яширмоқчи бўлганимиз ёмон. Кейинги йилларда вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг янгича лойиҳалари урфга кирди. Ҳудудларни ободонлаштириш баҳонасидаги янги “мода”ларни кўриб ҳайратланишингиз табиий. Дейлик, ҳоким ўзгарди, янги ҳоким эски ҳокимдан қолган ҳамма нарсани ўзгартиришга ҳаракат қилади. Хизмат биноларини қайта таъмирлаш ишлари, хизмат машиналарини (янги бўлса ҳам) янгисига алмаштириш. Энг қизиғи, ҳокимларнинг ўз гулои бор. Аввалги ҳоким эккан миллион-миллион атиргуллар бир кечада илдизи билан қўпо-

риб ташланиб, ҳушбўй атиргуллар ўрнига хидсиз аллақандай қиммат гуллар экилади. Қиммат гуллардан қиммат фойда қолиши учун бўлса керак-да? Йўқса, гуллаб турган ифори атиргулларда нима айб? Азим ва соғлом дарахтларни кесиб, ўрнига бизда ўсмайдиган антиқа қимматбаҳо дарахтларни ўтказмоқчи бўлаётган амалдорлар ўз “орзу-ҳавас”лари учун Ватанга зиён етказяётганлиги, бу билан юртни ривожлантириш мумкин эмаслигини билармикан? Ободонлаштириш баҳона, пул ўзлаштириш ғанимат-ми? Мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган иллатлар ҳали кўп. Масалан, банк билан мижоз муносабатлари.

**Банк билан мижоз
ўртасида жарлик бор**

Айрим қўшни давлатлардан баъзи жиҳатларда орқада эканлигимизга банкларнинг ҳам “хиссаси” бор. Банк мижоз учун эмас, банк пул учун эканлигини исботлашга ҳожат ҳам йўқ. Чунки банкдан каттарок кредит олиш учун сочингиз оқармаса, айтинг. Бир амаллаб кредит олдингиз ҳам дейлик, аммо унинг бадали оғир келади. Сарсонлик ҳолва экан-ку дейсиз. Кредитни бермасдан ойлаб-йиллаб қўзиб юрса, уларни тергайдиган сўроқловчи йўқ. Сизнинг тўловни кечиктиришингизни эса, салкам фожиага, аниқроғи катта жиноятга менгашади, қўйиб берсангиз. Ишингизни судга

оширишади, суддан кейин мажбурий ижро бюроси ходимлари яшин тезлигида “бошингиздаги калхат”га айланади.

**Ҳатто энага ҳам
фирибгар бўлиб
чиқса...**

Тарихда буюк шахсларни, даҳоларни энагалар тарбиялаганлигини яхши биламиз. Бировнинг боласини ўз фарзандидек маърифат билан, меҳр билан тарбиялаш нақадар масъулияти вазифа. Бизнинг замонда ҳам энагалар бор. Афсуски, бизнинг энагалар орасида тарбиясиз, инсофсизлари урчиб бормоқда. Фирибгар энагалар ҳам борлигидан ёқа ўшлайсиз. Болангизга қараш ўрнига, уйингизни тунаш, ўзингизни хонавайрон қилишдан тап тортмайдиган энагалар, афсуски, кўпаймоқда. Аввалига ҳамманинг ишончини қозониб, сўнгра ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ёлғиз аёлман, деб ўзини беозор мусичадек туттадиган, ёш бўлишига қарамадан айёрлиги олам жаҳонга етадиган энагалардан эҳтиёт бўлинг! Халқимизнинг соддалигидан, гўллигидан фойдаланаётган, ўз замондошнинг лақиллатаётган одамлар биз билан ёнма-ён яшаётганлиги ачинарли, албатта. Бу яхшиликка, нону тузга хиёнатдек гап.

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФ

КИШИЛИК жамияти ривожланиш босқичларида содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар учун энг оғир, яъни олий жазо – ўлим жазоси берилган.

Ўзбекистон Республикасида
ўлим жазоси тақиқланади

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида жиноятга оид қонунчилигимизда ўлим жазосини назарда тутувчи 30 тадан ортиқ модда мавжуд бўлган бўлса, 1994 йил қабул қилинган Жиноят кодексига бундай моддалар сони 13 тага, 1998 йилда 8 тага, 2001 йилда эса 4 тагача камайtirилди. 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш мақсадида фақат икки турдаги ижтимоий хавфли қилмиш жавобгарликини оғирлаштириб қўйилган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси сакланиб қолган эди. 2008 йилнинг 1 январидан эса жиноий жазо турли сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, урнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилган.

Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Харбий суди томонидан тайинланиши мумкин. Бугунги кунда дунё бўйича ўлим жазосини қонунларидан олиб ташлаган 108 та давлат қаторида Ўзбекистон ҳам бор.

Тўғри, халқаро ҳуқуқ, жумладан, 1949 йил Женева конвенцияси ҳам дунё давлатлари қонунчилигида ўлим жазосини қўллашни назарда тутди. Лекин бугунги кунга келиб ривожланган аксарият давлатлар ушбу жазо туридан воз кечмоқда. Эътибор берадиган бўлсак, дунё давлатларининг учдан икки қисмидан қўпроғи ўлим жазосини қонун билан амалда бекор қилганлигини қўриши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, 108 та давлат, яъни дунёнинг аксарият давлатлари барча жиноятлар учун ўлим жазосини қонунан бекор қилган ва 144 та давлат бу жазони амалда қўлламаётган бўлса, 55 та давлат ўз қонунчилигида ўлим жазосини сақлаб қолмоқда.

Шунингдек, қўшни Қозғистонда 2021 йил декабрда қабул қилинган барча жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилувчи қонун жорий йилдан кучга кирди. Бунгача мамлакатнинг жиноят кодексига 17 та моддада ўлим жазоси қўзда тутилган эди.

Дунё бўйича ўтган йилда 2052 нафар кишига ўлим ҳукми эълон қилинган бўлса, 579 кишига нисбатан ўлим жазоси ижро этилган.

Вақт ўтиши билан халқаро ҳамжамяти томонидан ўлим жазосини қўллашни тақиқловчи бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи факультатив протокол шулар жумласидандир.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига кўра Конституциянинг 24-моддасига “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади” деган норма киритилиши назарда тутилган.

Шахснинг ўлим жазосига ҳукм қилиниши ўнглаб бўлмайдиган ҳолат ҳисобланиб, кейинчалик ушбу ҳолат бўйича айбланувчини оқлайдиган далиллар вужудга келган тақдирда беғуноҳ одамни энг олий жазога ҳукм қилингани ортидан ушбу ҳатони тузатишнинг имкони йўққа чиқади.

Бундай ҳолатларга тарихда мисоллар кўп. Хусусан, 1973 йилдан буён АҚШда ўлим жазосига ҳукм қилинган 184 нафардан ортиқ маҳбус кейинчалик айбисизлиги маълум бўлганлиги сабабли оқланган ёки ўлим жазоси бекор бўлган. Бошқа ҳолатларда ҳукм қилинганларнинг аксарияти ўз айбини тан олмаган ҳолатида қатл этилган. Баъзи ҳолларда эса, аввал отилган, кейин ҳукм чиқарилган.

Шу ўринда хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда амалдаги қонунчилик билан ўлим жазоси бекор қилинган бўлса-да, ушбу нормани конституциявий қонун билан мустаҳкамлашни инсон ҳаёти олий қадрият даражасига кўтарилганлигидан далолатдир.

Ақбар АХРОРОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ЖАРАЁН

ТАҲЛИЛИЙ журналистика: унинг вазифалари ва аудиторияси. Таҳлилий материаллар учун потенциал аудиторияни аниқлаш. Муайян оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда аудитория билан ишлаш тажрибасини таҳлил қилиш. Кейслар билан ишлаш. Журналист-таҳлилчи ва шарҳловчининг асосий компетенциялари. Долзарб масалалар бўйича таҳлилий материал тайёрлаш. Қаердан бошлаш керак?

Журналист суриштирувини
нимадан бошлаш керак?

оиладан икки киши – ота ва ўғил ҳам бор. Ҳукумат комиссияси тузилиб, ҳалок бўлганларнинг жазаси Ўзбекистонга олиб келинадиган кун ҳолат ҳақида материал тайёрлаш учун тахририят топшириғи билан Қизилтепага боргандим. Бутун туманда мотам. Тобутларнинг келишини кутиб турган, фарзанди, жигарбанди, оила бошлиғи, яқинларидан жудо бўлганларнинг хонадониди бўлиб, уларга юзма-юз бўлиш, қайғусига шерик бўлишдан қийини. Туман ҳокимлигидагиларнинг балки ҳозир шу оғир вазиятда бормаслигини таъкидлашига нима учундир қўлоқ тутмай, қайғуга ботган хонадонларга кириб борганим, жудоликка чидай олмай фарёд чекаётганларнинг носини эшитиш нақадар оғирлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Улар билан суҳбатлашиш, тинглаш эса бундан ҳам оғир эди. Ўша кун юракларнинг минг банди узилган қишлоқдаги вазият, бола-сидан айрилган ота-оналарнинг оху носини қўлоғим остида ҳамон жаранглаб турибди. Уй қураман, тўй қиламан, отамга машина олиб бераман, ҳовлимга чиroyли дарвоза қураман, деб ишлашга кетган навқирон йигитларнинг тишлаб кетган насибалари қолиб кетди, ризқлари узилди. Мен ўшанда журналист сифатида ўз касбим тақозоси билан бурчимни бажаргандим. Гарчи уларга ҳамдардлик билдириб, қайғусига шерик бўлган бўлсам-да, аслида бўзлаётганларнинг дардида дард қўшганимни, уларнинг ҳали битмаган ярасини яна янгилаганимни кейин англадим. Нима бўлганда ҳам ўз вазифамни уларнинг қайғусидан юқори қўймаслигим керак эди!

Еки турмуш ўртоғи томонидан пичоқлаб ўлдирилган аёлнинг 9 ёшли қизидан фожиа тафсилоти тўғрисида интервью олиш қанчалик тошбағирлик...

Тренингда қозғистонлик халқаро тренер Бахтигул Бурбаеванинг қизларни олиб қочиш фожиаси ҳақидаги сессиясидан ҳам катта сабоқ олдим. Лавҳа шундай: қозоқ қизини олиб қочган йигитни воқеа жойидан ушлаб, икки ишлар идорасига олиб келишади. Даргазаб бўлган йигит қиз ўтирган хонанинг

эшигини ичкаридан қўлқаб, қизга пичоқ уради. Натижада қиз вафот этади. Икки ишлар идораси ходимларининг масъулиятсизлиги ва ўз вазифасига нолайиқлиги. Бундай ҳолатда журналист бу фожиани ёритишда қандай йўл тутиши керак? Аудиторияга нималарни, қандай хулосаларни етказиши керак? Буни ёритиш билан одамларга бирор наф ёки ёрдам кўрсата оладими? Хуллас, саволлар кўп. Аммо жавоб аниқ ва битта. Айрим миллатларнинг ўзича урф-одатимиз деб қаралаётган бу “удум”нинг жиноят эканлиги ва албатта ҳалокатга олиб келиши муқаррарлигини халқ онгига етказиш. Ёшларни бу “удум”дан воз кечган руҳият билан тарбиялаш зарурлигини тушуниришдан иборат.

Бундан 25 йиллар аввал худди шу мавзуда “Ўйрилган келинлар ёхуд қизларни олиб қочманг!” деган мавзуда мақолам чоп этилганди. Унда қизларни келинликка олиб қочаётган ҳолатда йўлларда содир бўлган ҳалокатлар натижасида оламдан ўтган йигит ва қиз фожиаси ҳам, қаршиликларга қарамадан қизни олиб қочиб турмуш қўрган йигитнинг оиласида кетма-кет ногирон фарзандлар туғилгани ҳам, ота-онаси билан юз кўрмас бўлиб кетган ёшларнинг армонлари ҳам ўз аксини толган эди. Ёритилган мавзу ўша вақтда жуда катта резонанс уйғотган ва шов-шувларга сабаб бўлган бўлса-да, менинг хатоим ногирон фарзандларга қараб ҳар кун ўз хатосини англаётган ва қилмишининг бадалини тўлаётган йигитга буни таъна қилганимда деб ўйлайман.

Хуллас, ажойиб баҳо-мунозараларга бой бўлган тадбирдан олган сабоқларимиз кўп. Телеавхалар, мультфильмлар, амалий машғулотлар ҳаммаси фойдали. Бизга тавсия қилинган реал воқеаларга асосланган “Вся президентская рать” фильмининг, албатта, қўринг.

Журналистика ҳар доим янгилашни, ҳаммаша изланишда бўлиши керак!

Маруся ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

Йиғлама, қизалоқ!

Сен йиғласанг, оламда шодлик йўқолади

ЎНТА стул нариги тарафга, яна ўнтаси бу тарафга жойлаштирилган. Оралиқ масофа бир ярим, икки метрларча. Ўрта ойна билан тўсилган. Нариги тарафдаги стулларда маҳбуслар, бу тарафдагисид аса уларни йўқлаб борган яқинлари телефон орқали суҳбатлашапти. Йўқ, бу шунчаки суҳбат эмас. Бу – армонлар, ҳижронли кунлар, афсус ва надоматлар, меҳр ва соғинчлар суҳбати.

Бир онахон маҳбус ўғли билан гаплашапти:

– Ўғлим, яхшимисан, аҳволларинг яхшими? Очқолмаёсанми, оёгинг оғримаёптими...? Иккита пластина, чой, кофе, сигарет, дориларинг яна егуликлар обжегандик, ичкарига

киритивордик. Нима бўлса ҳам яхши хулқ, яхши муомилада бўл. Буёғи оз қолди, сабр қил.

Она бошқа ҳеч нарса деёлмади. Йўқ, онанинг гапи тугамади, ўғли билан дардлашадиган гаплари жуда кўп. Фақат кўзларига келган ёш ўғли билан

суҳбатига ҳалақит берди, холос.

Онахон қўлидаги гўшакни ёнида унсиз йиғлаётган неварасига узатди. 10–12 ёшлардаги қизалоқ телефон гўшагини қулоғига олиб борди-ю аммо ҳеч нарса демади, деёлмади. Фақат иккинчи томонда турган дадасига термулганча кўзларидан дув-дув ёш оқади. Дадаси ҳам бирон гап айтолмаёпти. Юзларига оқиб тушаётган кўз ёшлари унинг нима демоқчилигини ифодалаб тургандек, гўё: дадангни кечир қизим,

сени йиғлатган дадангни кечир, сенга қувонч бахш этиш ўрнига сени гамга ботирган дадангни кечир..!

Дада кўз ёшларини арта-арта телефон гўшагидан қизига яна нималардир деди. Аммо қизча бош иргашдан нарига ўтолмади, кўз ёшлари бир зумга тинай демади.

Шу тобда унинг олдига бориб уни юпатгим, далда бергим келди. Йиғлама, қизалоқ! Сен йиғласанг, оламда шодлик йўқолади.

Яна бошқа бир гаплашиш жойида ёши саксонни қоралаб қолган отахон ҳам жазо муддатини ўтаётган ўғли билан ҳол-аҳвол сўрашди:

– Ўғлим, соғлигинг яхшими, қийналмаёсанми? Пешонангда бор экан, сабр қил. Оилангдан хавотир олма, ўзим қараб турибман.

Отахон атрофга қарадида ён чўнтагидан рўмончасини чиқариб, мижжаларидан сизиб келаётган ёшни артди. Гапиришдан тўхтади. Яна гапирса кўз ёшлари тўхтамай қоладигандек. Ўғлига сен гапир, мен эшитайин дегандек термулиб қолди.

Йўқ. Бўлди. Бу жойда ортиқ ўтиролмайман. Юрак-бағрим қон бўлиб кетди-ку. Ҳозир ўзим ҳам йиғлаб юбораман. Ҳаво етишмай, нафасим қиса бошлади. Ташқарига чикдим, худдики бу ерда ҳам ҳаво йўққа ўхшайди. Бўзимга нимадир тикилган.

Ўйга келгунча кўз ўнгимда гоҳ йиғлайвериб юзлари анордек қизарган қизалоқ, гоҳ ҳали эликка бормай сочлари оқариб кетган онахон, гоҳ қадди дол бўлиб қолган отахон гавдаланади.

Шундай паллада ким айбдор, деган савол одамга тинчлик бермайди. Тўғри, жазосини ўтаётганлар айбдор-да, дейиш мумкин. Аммо жазо ўтаётганларнинг ҳаммасига ҳам ҳукм тўғри чиқарилган деёлмасизми? Нера унда сўнгги беш йилда қанчадан-қанча оқлов ҳукмлари чиқарилди? Оқланган юртдошларимиз жиноятчи тамгаси ноҳақ босилгандан матбуот саҳифаларида баралла чиқиш қилди.?

Хуллас, бу борада Президентимиздан ўтиб нима ҳам дердик. “АДОЛАТ, АДОЛАТ ВА ЯНА АДОЛАТ”.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

30 ИЮЛЬ – БУТУНЖАҲОН ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ

ЙИГИРМА биринчи аср тараққиёт асри бўлиши билан бир қаторда жиддий глобал муаммолари билан инсониятни хавотирга солаётганлигини жуда яхши биламиз. Одам савдоси муаммоси ана шундай аср вабоси сифатида миллионлаб инсонларни “қуллик” қурбонига айлантирмоқда. Халқаро миқёсда олиб борилаётган кенг қўлмали ишларга қарамасдан одам савдоси давр муаммоси бўлиб қолаётганлиги ачинарли, албатта.

Аср муаммоси

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2013 йилдаги резолюциясига кўра 30 июль – Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни деб эълон қилинган.

2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган.

Қонунчиликда одам савдоси жинояти учун 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Шунингдек, ушбу қилиш оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса, 5 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Бундан ташқари, мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 708-сонли қарори билан одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар Ягона ахборот база орқали тизимлаштирилган.

Ягона ахборот базага қуйидаги маълумотлар киритилади:

- одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар;
- одам савдосидан жабрланганлар, жабрланган деб таҳмин қилинаётганлар – аёллар ва болалар ҳақидаги ахборот алоҳида ажратилган ҳолда, уларга кўрсатилган ёрдам натижалари;
- жиноят содир этиш усуллари ва бошқа ахборотлар.

Бунда маълумотлардан одам савдосига қарши курашишдаги ваколатли органлар фойдаланиши учун Тезкор-қидирув департаменти ва унинг худудий бўлимларига ёзма ёки электрон шаклда сўровнома юборади. Сўровнома тушганидан сўнг унинг натижаси бўйича беш кунда жавоб юборилиши белгилаб қўйилган.

Одил БЕГИМҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди раиси

ТАДБИР

ХОТИН-ҚИЗЛАР қўмитасининг энг асосий бўғини – бошланғич хотин-қизлар ташкилоти ҳисобланади. Хотин-қизларнинг жамиятда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги вазифаларни ҳал қилишдаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ва маънавий қадриятларимизга асосланган ҳолда оила муносабатларини мустаҳкамлаш бошланғич хотин-қизлар ташкилотининг қонуний вазифалари саналади.



ОНЛАЙН ДАВРА СУҲБАТИ

Адлия вазирлиги бошланғич хотин-қизлар ташкилоти, аёллар маслаҳат кенгаши аъзолари, адлия муассасалари ва худудий адлия бошланғич ташкилоти раислари иштирокида ўтказилган давра суҳбатиде тизимда фаолият юритаётган хотин-қизлар билан яқинроқ танишишга, уларнинг мақсад ва муаммоларини ўрганишга ҳамда худудлардаги бошланғич хотин-қизлар ташкилотларининг вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, давра суҳбатиде аёлларни қизиқтирган масалалар, шу жумладан, гендер тенглик бўйича халқаро рейтинг кўрсаткичлари муҳокама қилинди. Психолог томонидан “Стресс-менеджмент” бўйича ўтказилган психологик онлайн тренинг ҳам барча иштирокчилар учун фойдали бўлди.

Суҳбат сўнгиде бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раислари ўзларининг янги режалари, таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Ўз мухбиримиз

“SOUTH DEFENDER” advokatlik byurosi advokati Xolmirzayev Baxtiyor Jurayevich Jinoyat ishlari bo'yicha Angren shahar sudining 2022-yil 17-mayda chiqarilgan hukmi bilan jinoyat sodir etishda aybli deb topilganligi sababli uning advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyasining amal qilishi va advokatlik maqomi Toshkent viloyati adliya boshqarmasining 2022-yil 5-iyuldagi 133-um-sonli buyrug'iga asosan tugatildi.

Инсон
ва қонунМУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинганБош
муҳаррир
Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икромов Музафр Мубаракходжаевич
Тожиёв Фуркат Шомуродович
Юлдашева Шоҳидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза РустамовнаТаҳририятга келган
қўлёзмалар таҳрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.Навбатчи
Гулбаҳор ОртиққўжаеваСаҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожиёв

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Business print” хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалти ола, 5а-уй

Тиражи – 3400
Буюртма – 192Топшириш вақти – 19:00
Топширилди – 20:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5



ҲАДЯ ОЛУВЧИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН ИШОНЧНОМА

ҲАКИҚИЙ ЭМАС!

– ЧЕТ элга кетаётганлигим учун ўзимга тегишли бўлган мол-мулкимни қайси қариндошга ҳадя қилишни кўрсатмасдан ишончнома берсам бўладими?

М. ШАРИПОВА,
Навоий шахри

– Ҳадя шартномаси юридик ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 31-боби “Ҳадя” деб номланган бўлиб, кодекснинг 502–511-моддаларида айнан ҳадя шартномасининг шакли, уни тузиш, бекор қилиш, ҳадя бўйича ҳуқуқий ворислик, хайр-эхсон туридаги ҳадя ҳақида батафсил маълумот берилган.

Ҳадя шартномасига кўра, бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текин мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ё ёхуд унга ўзига ёки унинг бир ахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (таъбиди) беради ё бериш мажбуриятини олади ё худ уни ўзи ёки унинг бир шахс олдидидаги мулкий мажбуриядан озод қилиш мажбуриятини олади.

Шартнома реал бўлса-га, аяни пайтда ҳадя қилувчи ҳадя олувчига келгусида ҳадя қилиш мажбуриятини олади. Аммо ҳамма ҳолларда ҳам ҳадя шартномаси вужудга келавермайди. Айтайлик, ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганда ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганда шартнома ҳадя, деб тан олинмайди.

Юқоридagi саволга жавоб берадиган бўлсак, Фуқаролик кодексининг 505-моддасида ҳадя олувчининг номи ва ҳадя нарсаси кўрсатилмаган ҳадяни вакил томонидан амалга ошириш ишончномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги белгиланган.

Саволга Навоий шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шўҳрат МАХАМОВ жавоб берди.

Қонунчиликка кўра, ушбу ҳуқуқ давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни 23-моддасига мувофиқ, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш нотариал ҳаракат турларидан бири ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани беришнинг маъмурий регламентига асосан мерос очилган жойдаги нотариус меросхўр(лар)нинг ёзма аризасига кўра гувоҳнома беради.

Меросга оид муносабатлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келадиган, ўзгарадиган ва бекор бўладиган муносабатлар саналиб, юридик шахснинг тугатилиши, жисмоний шахснинг вафоти оқибатида вужудга келади.

Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига асосан қонун бўйича меросхўрлар бўлиб, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос ишини расмийлаштириш нотариусдан чуқур билим ва кўника талаб этади. Бу масалада кичик хато ёки камчиликка йўл қўйишнинг ўзи келгусида меросхўрлар ўртасида низога сабаб бўлиши мумкин. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганда ҳам, васиятнома бўйича бўлса ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг эриги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчи тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома, ворислик васият ёки қонун бўйича эканлигидан қатъи назар, мерос очилган кундан бешла олти ой ўтгандан сўнг мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилади. Фуқаролик кодекси 1146-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи бўлганлиги сабабли, қонунда меросхўр бундай гувоҳнома бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши шарт бўлган муддат белгиланмаган.

Нотариуснинг меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад этиши устидан меросхўр томонидан судга шикоят берилиши мумкин бўлиб, у Фуқаролик процессуал кодексининг 28-боби қоидаларига биноан кўриб чиқилади.

Васият ва қонун бўйича ворисликда меросхўр мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш йўли билан меросдан воз кечишга ҳақли. Қонунда

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Фуқаролик кодексининг 182-моддасига мувофиқ, мерос фуқароларда мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи асослардан биридир. Шу орқали фуқароларнинг мерос ҳуқуқи вужудга келади. Мерос – бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиладиган мол-мулк, ашё саналади. Баъзида айрим ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳам мерос бўлиб ўтиши мумкин.

Хато ёки камчиликка ЙЎЛ ҚЎЙИШ



келгусида МЕРОСХЎРЛАР ўртасида низога сабаб бўлиши мумкин

мерос очилгандан кейин бундай ариза билан мурожаат қилиш мумкин бўлган вақт чегараланмаган.

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан махрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан махрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қилаётган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтда ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилгандан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.

Қуйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

- нотариал тасдиқланган васиятномалар;
- нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқ-

сонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганда васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Қуйидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

- нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, тоновалари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;
- тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;
- саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;
- ёлгон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим.

Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдидан тўлиқ ўқиб чиқиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади, бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўқдиришга ҳақли.

Дилдор МУСАЕВА,
Юнусобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус